

## Тадаббур



08:00 / 01.08.2020 2757

Али ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади: «Яҳё ибн Саиднинг ҳузурида эдик. У бир кишига: «Қуръондан ўқи», деди. У Духон сурасини ўқиди. У қироатни бошлаганда Яҳё ибн Саидга қараб турсам, у ўзгара бошлади. **«Ажрим куни (Қиёмат куни) барчаларининг (ҳисоб-китоб) вақтидир»** оятига келганида Яҳё ибн Саид ҳушидан кетди, кўкраги ердан кўтарилди, бирдан букчайиб ағанади. Ағанаётиб эшикка урилиб кетди. Уриб олган жойи шилиниб, қон оқа бошлади. Буни кўриб, уйдаги аёллар шовқин кўтаришди. Биз ташқарига чиқиб, эшик олдида турдик. Бироз ўтгач, у ўзига келди. Кирсак, тўшагида ухлаб ётар, аммо уйқусида ҳам **«Ажрим куни (Қиёмат куни) барчаларининг (ҳисоб-китоб) вақтидир»**, дер эди. Умрининг охиригача ўша куни орттирган яраси билан юрди».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**